

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “19” апрель

№ПК-4295

“ ” 20 г.

**2019–2021 йилларда республика аҳолисига
эндокринология ёрдами қўрсатишни такомиллаштириш
бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида**

Мамлакатимизда соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш бўйича давлат дастурларини амалга ошириш доирасида аҳолига эндокринология ёрдамини қўрсатишнинг яхлит, вертикал интеграциялашган тизими яратилди. Эндокринология муассасаларини юқори технологияли ускуналар билан жиҳозлаш ва эндокрин касалликларни профилактика, диагностика қилиш ҳамда даволашнинг замонавий усувларини жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, эндокринология хизматини янада ривожлантириш эпидемиологик вазиятни баҳолаш ҳамда қандли диабет ва йод танқислиги ҳолати юзага келишининг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилишни, шунингдек, эндокринология йўналишларини болалар эндокринологиясининг талаб юқори бўлган йўналишлари билан биргаликда қайта кўриб чиқиши талаб этмоқда.

Ихтисослашган самарали ва замонавий эндокринология ёрдами тизимини шакллантириш, қандли диабет ва бошқа эндокрин касалликлар профилактикаси ва уларни барвақт аниқлаш чораларини янада такомиллаштириш, аҳолига ихтисослашган юқори малакали эндокринология ёрдамини қўрсатиш сифати ва имкониятларини ошириш мақсадида:

1. **2019–2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами қўрсатишни такомиллаштириш миллий дастури** (кейинги ўринларда – Миллий дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Миллий дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

эндокрин касалликларнинг олдини олиш, уларни барвақт аниқлаш ва аҳолини профилактика тадбирлари билан қамраб олиш бўйича вазиятни тубдан яхшилаш;

қандли диабетга чалинган беморларнинг онлайн-регистрини яратиш, беморларни даволаш амалиётига қандли диабетнинг сурункали асоратлари юзага келиши ва ривожланишини камайтиришга қаратилган клиник ёндашувларни жорий қилиш, шунингдек, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш;

вилоятлар эндокринология диспансерлари ва филиалларида эндокрин хирургия, диабетик тўпик, диабетик нефропатия ва реанимация бўлимларини ташкил қилиш орқали **кўрсатилаётган тиббий хизматлар турларини кенгайтириш**;

“қандли диабет” ташхиси қўйилган болалар, ўсмирлар ва ҳомиладор аёлларни аналоги инсулин ҳамда инсулин юбориш учун мосламалар ва ўзини ўзи назорат қилиш воситалари билан таъминлаш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш;

худудий ўзини ўзи назорат қилиш мактаблари негизида профессионал инструкторларни жалб қилган ҳолда эндокрин **касалликларга чалинган беморлар ва уларнинг оила аъзоларини касалликларни тўғри олиб бориш ва назорат қилишга ўқитиши**;

эндокринология муассасаларининг **тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш**, шунингдек, уларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш;

эндокринология соҳасидаги маҳаллий илмий тадқиқотлар қўламини, ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва соғлиқни сақлаш амалиётига жаҳондаги илфор тажрибалар, илмий ишланмаларни татбик қилиш;

янги эндокринология муассасаларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий диагностика ва маҳсус тиббий ускуналар, воситалар ва инвентарлар билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) орқали **эндокринология муассасаларини модернизация қилиш ва уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш**.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Миллий дастурда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун ҳалқаро молия институтлари ва ҳалқаро хукумат молиявий ташкилотларининг имтиёзли кредитлари (қарзлари) ва грантларини жалб қилиш бўйича чоралар кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг **қўйидагиларни мунтазам равишда амалга оширишни кўзда тутувчи тартибни жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:**

қандли диабетнинг I тури билан касалланган болалар ва ўсмирлар учун аналоги инсулинлар ва ўзини ўзи назорат қилиш воситаларини (тест-чизиқчалар) марказлашган тарзда харид қилиш ва барча вилоят эндокринология диспансерлари орқали тарқатиш;

калий йодид препаратлари билан узлуксиз таъминлаш орқали аҳолининг касалликка чалиниш хавфи юқори бўлган гурухлари (болалар, ўсмирлар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар) орасида йод танқислиги касалликларини профилактика қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетида ушбу бандни ижро этиш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 августга қадар бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг штатлар нормативларини қўшимча эндокринолог, шу жумладан болалар эндокринологи лавозимларини киритишни кўзда тутган ҳолда қайта кўриб чиқсин.

Маълумот учун қабул қилинсинки, эндокринолог, шу жумладан болалар эндокринологи лавозимларини киритиш бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг мавжуд штат бирликлари доирасида амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, ахоли ўртасида кенг ёритилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдуваҳитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зуммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 19 апрелдаги ПҚ-4295-сон қарорига
илова

**2019–2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами қўрсатишни такомиллаштириш
МИЛЛИЙ ДАСТУРИ**

T/р	Чора-тадбирлар номланиши	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддати	Сумма	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
I. Эндокринология хизмати фаолиятини тартибга солувчи қонун хужжатлари ва норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш						
1.	Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинидан учинчи бўғинигача – республиканинг барча худудларини камраб оловчи, статистика, молия ва бошқа ҳисботларни бирлаштириб кўрсатган ҳолда эндокрин патологияли беморларнинг электрон маълумотлар базасини ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич жорий этиш.	Вазир буйруги	2019-2021 йиллар (тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ)	8 455,0 млн сўм. 500 млн сўм.	ХМИ маблағлари РИЭИАТМ бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов), РИЭИАТМ (Алимов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Умурзаков), Инновацион ривожланиш вазирлиги (Абдурахмонов)
2.	Халқаро тавсияномаларга мувофиқ соғлиқни сақлашнинг барча босқичларида эндокрин касалликларни диагностика қилиш ва даволашнинг яиги стандартларини кайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.	Вазир буйруги	2019 йил 1 ноябрга қадар	–	РИЭИАТМ бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов), Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси (Изамов)
3.	Эндокринология хизмати ва бирламчи тиббиёт ҳисобга олиш хужжатлари бўйича статистик ҳисботларни юритиш қоидаларига риоя қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	–	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов), Давлат статистика кўмитаси (Бегалов)

**II. Эндокрин касалларнинг олдини олиш, эрта диагностика қилиш
ва даволаш чора-тадбирларини таомиллаштириш**

4.	Эндокрин жаррохликнинг ихтисослаштирилган бўлимлари, диабетик тўпик, нефропатия, операцион блок, лаборатория ва реанимация бўлимларини ташкил этиш орқали вилоят эндокринология диспансерларида тиббий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш.	Инвестиция дастури	2019-2021 йиллар	–	Инвестиция дастурлари доирасида, ижрочиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов)
5.	Вилоят эндокринология диспансерларида пуллик тиббий хизматларни кўрсатиш амалиётини жорий этиш (Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари эндокринология диспансерлари мисолида)	Ташкилий чора-тадбирлар	2019 йил 1 июлга қадар	–	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов), РИЭИАТМ (Алимов)
6.	Калий йодид дори воситалари билан мунтазам ва узлуксиз таъминлаш орқали йод танқислиги касалларни ривожланиши бўйича юқори хавфга эга гурухлар (болалар, ўсмирлар, эмизикли ва ҳомиладор аёллар) миқёсида профилактика қилиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Ҳар йили	16,5 млрд сўм	Маҳаллий бюджет маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
7.	Бирламчи тиббиёт-санитария ёрдам кўрсатиш муассасаларида қандли диабетни диагностика қилишининг самарали ва иқтисодий фойдали усусларини ишлаб чиқиши.	Ташкилий чора-тадбирлар	2019 йил 1 августга қадар	–	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов), РИЭИАТМ (Алимов)
8.	Қалқонсимон без касалларини эрта аниқлаш мақсадида қалқонсимон ва қалқонсимон олди безлари гормонларини иммунофермент аниқлаш учун реактивлар билан таъминлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Ҳар йили	5,4 млрд сўм	Маҳаллий бюджет маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

9.	Вилоят эндокринология диспансерлари орқали марказлаштирилган тарзда: кандли диабетнинг 1 тури билан касалланган болалар ва ўсмиirlар учун мунтазам равища аналоги инсулин; кандли диабетнинг 1 тури билан касалланган болалар ва ўсмиirlар учун ўзини ўзи назорат қилиш воситаларини (тест-чизиқчаларини) харид қилишини назарда тутувчи чора-тадбирларни амалга ошириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2020-2021 йиллар	17,1 млрд сўм 7,5 млрд сўм	Республика бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов), Молия вазирлиги (Аирафхонов)
10.	Аҳоли ўргасида қандли диабетни эрта аниқлаш ва мониторинг қилиш мақсадида гликирланган гемоглобинни аниқлаш учун реактивлар таъминотини йўлга қўйиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Хар йили	8,0 млрд сўм	Маҳаллий бюджет маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимликлари
11.	Тарқатма материаллар ва кўргазма куроллари билан таъминлаган ҳолда барча эндокрин диспансерларда ўзини ўзи назорат қилиш мактаблари ишини мунтазам мониторинг қилиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	–	РИЭИАТМнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов), РИЭИАТМ (Алимов)
12.	Қандли диабетнинг инсулинга муҳтож бўлган I тури ва II тури билан касалланган bemорлар учун вилоят эндокринология диспансерлари орқали одам инсулинини марказлаштирилган тарзда харид қилиш ва тақсимлашни назарда тутадиган чора-тадбирларни амалга ошириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2020-2021 йиллар	24,5 млрд сўм	Республика бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов), Молия вазирлиги (Аирафхонов)

III. Эндокринологик хизматнинг юқори малакали кадрлар билан таъминланганлигини яхшилаш, эндокринология соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш

13.	Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қатламини юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдамдан фойдаланишини кенгайтириш	Вазир буйруғи	Тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ	200 млн сўм	РИЭИАТМ бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов),
-----	--	---------------	------------------------------------	-------------	--------------------------------------	---------------------------------------

	мақсадида Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда – РИЭИАТМ) етакчи мутахассисларининг сайёр маслаҳатларини барча худудларда мунтазам равишда ташкил этиш.					РИЭИАТМ (Алимов)
14.	Олий тиббиёт таълим муассасалари ва РИЭИАТМнинг етакчи мутахассисларини жалб этган ҳолда эндокринологик касалликларни диагностика қилиш ва даволашнинг янги усулларини жорий этиш бўйича вилоят, шаҳар ва туман даражасидаги тиббиёт муассасаларининг шифокорлари учун маҳорат дарсларини ташкил этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ	100 млн сўм	РИЭИАТМ бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов), РИЭИАТМ (Алимов)
15.	РИЭИАТМнинг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти билан биргаликда ташкил этиладиган ихтисослашган курсларида тор ихтисослик мутахассисларини (болалар эндокринологияси, эндокрин жарроҳлик, диабетик тўпик, анестезиология ва реаниматология, юрак диабети, диабетик нефропатия ва нейроэндокринология) тайёrlаш бўйича ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш.	Вазир буйруғи	2019 йил	–	Таълим олувчилар маблағлари, РИЭИАТМ ва ТошВМОИнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов), ТошВМОИ (Акилов)
16.	Мутахассис-эндокринологларнинг хориждаги ихтисослаштирилган етакчи клиникалар ва марказларда малака ошириш курсларини ўташини мунтазам равишда (бир йилда бир марта) ташкил этиш: РИЭИАТМ мутахассислари – 10 нафар; вилоят эндокринология диспансерлари мутахассислари – 15 нафар.	Вазир буйруғи	Тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ	Хисоб-китобларга мувофиқ	РИЭИАТМ бюджетдан ташқари маблағлари, ХМИ грантлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратиладиган мақсадли бюджет маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов)
17.	Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёrlаш ва ватандошлар билан мулокот килиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамгармаси кўмагида	Идоравий норматив-хукукий	Ҳар йили	Хисоб-китобларга мувофиқ	“Эл-юрт умиди” жамгармаси маблаглари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов),

	кадрларни эндокринология йўналиши бўйича танлов асосида хорижий таълим ва илмий муассасаларининг магистратура ва докторантураси босқичида тайёрлашни ташкил этиш.	хужжат				“Эл-юрт умиди” жамғармаси (Бекмурадов)
18.	Тиббиёт олий таълим муассасалари бакалавриат босқичининг “Эндокринология” фанида қандли диабетни ўрганиш учун ажратилган ўқув соатларини кўпайтириш, магистратура ва клиник ординатурада диабетологияни мустақил фан сифатида ўрганиш учун қўшимча соатлар киритиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Ҳар йили	—	—	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Маджидов)
19.	Халқаро илмий-амалий ҳамкорликни кенгайтириш ва маҳорат дарслари ҳамда юқори технологияли жарроҳлик амалиётини ўтказиш мақсадида хориждан етакчи мутахассисларни жалб этиш йўли билан тажриба алмашиш.	Режа-жадвал	Ҳар йили	Ҳисоб-китобларга мувофик	РИЭИАТМ бюджетдан ташқари маблағлари, ХМИ грантлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратиладиган мақсадли бюджет маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов)
20.	Тошкент врачлар малакасини ошириш институти билан биргаликда соғлиқни сақлаш бирламчи бўгини муассасалари учун (60 нафар микдорида) эндокринология ихтисослиги бўйича ихтисослаштирилган курслар ўтказилишини ташкил этиш.	Вазир буйруғи	Ҳар йили	Ҳисоб-китобларга мувофик	Таълим олувчилар маблағлари, РИЭИАТМ ва ТошВМОИ бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов)
21.	Эндокринология соҳасида халқаро тавсияларга мувофик асосий эндокрин касалликларни диагностика қилиш ва даволашда инновацион усууларни жорий этишни назарда тутувчи профилактика, диагностика қилиш ва эндокрин касалликларни даволашнинг устувор йўналишлари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар ўтказиш.	Танлов натижалари бўйича илмий грантлар	Ҳар йили	Ҳисоб-китобларга мувофик	Давлат илмий-техник дастурларини амалга ошириш учун ажратиладиган бюджет маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (Абдурахмонов), Фанлар академияси (Юлдашев),

							манфаатдор вазирликлар ва идоралар
22.	<p>Үрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш, ихтисослик ва малака ошириш дастурларини қуидаги йүллар билан такомиллаштириш:</p> <p>ўкув дастурларида соглом турмуш тарзини шакллантириш бўйича, қандли диабетнинг бирламчи профилактикаси бўйича, шунингдек, тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш бўйича фанлар сонини кўпайтириш;</p> <p>“Диабетик тўпик ҳамшираси – подиатр” ва “Ўзини ўзи назорат қилиш мактаби бўйича инструктор” йўналишлари бўйича ўрта тиббиёт ходимларини ихтисослаштириш ва сертификатлаштириш дастурларини ишлаб чиқиши.</p>	Вазир буйруги	2019/2020 ўқув йилидан бошлаб	–	–	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>Шодмонов</i>), Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси (<i>Изамов</i>)

**IV. Аҳоли ўртасида эндокринологик саломатликни муҳофаза қилиш соҳасида
кенг тушунтириш ишларини ташкил этиши**

23.	<p>Соглом овқатланиш, жисмоний фаолликнинг зарурлиги, соглом турмуш тарзини юритиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиши ва оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет ва ижтимоий тармоқларда (мессенжерларда) тарқатиш. Мазкур масалалар бўйича баннерлар, плакатлар, буклетлар ва бошқа ахборот-таълим материалларини ишлаб чиқиши ва тарқатиш.</p>	Ахборот-таълим материаллари	Доимий	–	–	–	МТРК (<i>Ходжаев</i>), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>Шодмонов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Садиков</i>), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
-----	--	-----------------------------	--------	---	---	---	---

24.	Тегишли мутахассислар ҳамда соғлом турмуш тарзини юритувчи таниқли санъат вакиллари, спортчилар иштирокида телекўрсатувлар тайёрлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	—	—	МТРК (<i>Ходжаев</i>), Маданият вазирлиги (<i>Назарбеков</i>), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (<i>Набиев</i>), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>Шодмонов</i>), Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи (<i>Куранбаев</i>), Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
25.	Нодавлат нотижорат ташкилотларни (уларнинг розилиги билан) қандли диабет ва йод танқислиги холатларига қарши курашиш, шу жумладан юқори хавф ва заиф кишилар гуруҳидаги беморларга руҳий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тадбирларини амалга оширишга жалб қилиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	—	—	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>Шодмонов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Давлетов</i>), Ўзбекистон ННТ ассоциацияси (<i>Насриев</i>)
26.	Қандли диабет ва йод танқислиги холатларини бирламчи профилактика қилиш (соғлом турмуш тарзини, қандли диабетнинг ривожланиш хавфи омилларини тарғиб қилиш) масалалари бўйича аҳолининг хабардорлигини ошириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	—	—	МТРК (<i>Ходжаев</i>), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>Шодмонов</i>), “Мажалла” жамғармаси (<i>Жавлонов</i>),

						Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси (Нурматова), вазирлик ва идоралар
V. Эндокринология хизмати муассасаларининг модий-техник базасини мустаҳкамлаш						
27.	Ихтисослашган эндокринология муассасаларини (Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари эндокринология диспансерлари, Қорақалпогистон Республикаси эндокринология диспансери, ва Тошкент шаҳар эндокринология диспансери, РИЭИАТМ) замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2020–2021 йиллар	7 843,6 минг АҚШ доллари	ХМИ, донор давлатлар кредитлари ва грантлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Ходжсаев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Умурзаков)

2019–2021 йилларга мўлжалланган Миллий дастурда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун жами харажатлар – 197,8 млрд сўм ва 7,84 млн АҚШ доллари.

шундан:	млрд сўмда	млн АҚШ долларида
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблаглари	187,9	
шу жумладан: маҳаллий бюджет маблаглари	89,7	
ижрочиларнинг бюджетдан ташқари маблаглари	1,4	
ХМИ, халқаро донор давлатлар кредитлари ва грантлари	8.455	7,84

